

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил август ойининг “22” куни, Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: А.Улмасов,

Судья ёрдамчиси Д.Юнусовнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси, Фарғона вилояти Олтиариқ туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Умаров, судланувчи Б.Аитов ва унинг ҳимоячиси Олтиариқ тумани “Samarali himoya sari” адвокатлик бюросининг адвокати З.Матмусаева, жабрланувчи К.Шаропов ҳамда фуқаровий даъвогар А.Болтабоевларнинг иштирокида, Аитов Бокижон Муминжоновичга оид 1-1514-2201/316-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Аитов Бокижон Муминжонович /Aitov Bokijon Muminjonovich/, 1980 йил 17 октябрь куни Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласи билан ўзаро ажрашган, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини, Хоразм кўчасининг 65-уйида яшайди, иш бўйича 2022 йил 22 июндан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 28 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “Г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аитов Бокижон Муминжонович – ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 23 май куни соат 02:30ларда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлгани ҳолда Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Узумчи” маҳалла фуқаролар йиғини, Бойматов кўчасининг 128-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро Шаропов Кахорали Марибжоновичнинг яшаш хонадонидаги деворидан ошиб ўтиб, ғайриқонуний равишда кириб, яшаш хонадони ҳовлисида турган жами нархи 2.000.000 (икки миллион) сўмлик икки дона Германияда ишлаб чиқарилган велосипедни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Шунингдек, талон-торож қилинган бир дона велосипедни жиноий йўл билан топилганини айтмасдан, фуқаро Болтабоев Абдумумин Мўйдиновичга 270.000 сўмга сотиб юбориб, пулларини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.



Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Б.Аитов ушланиб, ундан бир дона велосипед ҳамда фуқаро А.Болтабоевдан бир дона велосипед ашёвий далил тариқасида олиниб, қонуний эгаси К.Шароповга тилхат асосида қайтарилган.

Суд мажлисида судланувчи **Аитов Бокижон Муминжонович /Aitov Bokijon Muminjonovich/** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам, 2022 йил 23 май куни соат 02:30ларда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлиб қолиб, турмуш ўртоғи Аитова Муборак ва фарзандларини кўриш учун уни уйига кетаётиб, йўлда Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Узумчи” маҳалла фуқаролар йиғини, Бойматов кўчасининг 128-хонадонида истиқомат қилувчи қайноғаси Шаропов Кахорали Марибжоновичнинг уйи олдидан ўтиб кетаётиб, турмуш ўртоғини шу ерда деб ўйлаб, эшикни очмоқчи бўлганини, лекин эшик кулф бўлгани сабабли девордан ошиб ўтиб, ховлида турган уч дона велосипедни кўриб, уни икки донасини олиб, яшаш хонадонига олиб борганини, эртаси куни велосипеддан бирини Фарғона шаҳрига олиб чиқиб, кейинчалик маълум бўлишича Болтабоев Абдумумин Мўйдиновичга 270.000 сўмга сотиб юборганини, 2022 йил 30 май куни олдида милиция ходимлари келиб, қайноғаси К.Шаропов уйида бўлган ўғрилиқ ҳақида сўрашганида, уларга бўлган воқеани айтиб бериб, бир дона велосипедни олиб чиқиб берганини, бир дона велосипедни А.Болтабоевдан далилий ашё сифатида олишганини, лекин унга 270.000 сўмга сотиб юбориб, пулларини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган зарарни қопламаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан оилавий аҳволини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи Аитов Бокижон Муминжоновичнинг айби ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтсада, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогарнинг қуйидаги кўрсатувлари ҳамда далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Жабрланувчи **Шаропов Кахорали Марибжонович /Sharopov Kaxorali Maribjonovich/** суд мажлисида, ҳақиқатан ҳам Аитов Бокижон Муминжонович куёви бўлишини, 2022 йил 24 май куни эрталаб турмуш ўртоғи Шаропова Шакархон яшаш хонадони эшигини очиқлигини ва уйида турган жами Германияда ишлаб чиқарилган уч дона велосипедлардан икки донаси яъни, нархи 2.000.000 сўмлик велосипедлари йўқлигини айтганини, шундан бу ҳақида милицияга хабар берганини, 2022 йил 30 май куни милиция ходимлари велосипедларни куёви Б.Аитов ўғрилаб кетганини аниқлашганини, ҳозирда велосипедларни қайтариб олганини, ўзига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, бироқ Б.Аитовга нисбатан қонуний чора кўришни сўрашини билдириб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Фуқаровий даъвогар **Болтабоев Абдумумин Мўйдинович /Boltaboyev Abdumumin Mo'udinovich/** суд мажлисида, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 25 май куни Фарғона шаҳрида жойлашган “сомсахона”сида бўлган вақтда, кейинчалик ўзига маълум бўлган Аитов Бокижон Муминжонович келиб, фарзанди бетоб бўлиб қолганини, шу сабабли Германияда ишлаб чиқарилган бир дона



велосипедини сотишини айтганини, шунда велосипедни савдолашиб, 270.000 сўмга сотиб олганини, Б.Аитов велосипед ўзига тегишли эканини айтганини, шундан сўнг милиция ходимлари келганида, Б.Аитов велосипедни ўғрилаганини билганини ва қайтариб берганини, ҳозирда ўзига 200.000 сўм қайтарилганини, қолган зарар 70.000 сўм қопланмаганини, етказилган зарарни Б.Аитовдан ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрашини билдириб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Аитов Бокижон Муминжоновичнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига ҳозир бўлмаган гувоҳ Шаропов Шакархон Абдужабборовнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан ташқари, яъни жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор, унга кўра, Б.Аитовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан жиноят иши қўзғатилганлиги /и.в.1/, хабарнома, унга кўра К.Шаропов икки дона велосипеди ўғрилангани ҳақида хабар берган /и.в.3/, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар /и.в.4-12/, далилий ашёни олиш баённомаси /и.в.25, 26/, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарор /и.в.30-39/, тушунтириш хатлари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Аитов Бокижон Муминжоновичнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги (Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2012 йил 13 декабрдаги 19-сонли, 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) қарорининг 1-бандида, “жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. Борди-ю жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкининг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозим”лиги ҳамда ушбу Қарорнинг 9-бандида, “**ғайриқонуний кириш деганда ўғирлик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш**



тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек, кўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, айбдор ўғирлаб кетмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришнинг услуби ҳисобланади. Шу сабабли уй-жойдан, бинодан ёки бошқа омборхонадан ўзганинг мулкни талон-торож қилиш нияти ғайриқонуний киришдан олдин юзага келади. **Уй-жой деганда** кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилиши” ҳақида раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди, “ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкни, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, яширин равишда талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунидаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги (Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 16-сонли, 2022 йил 14 майдаги 9-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) қарорининг 28-бандида, “судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак”лиги ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги (Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 7-сонли; 2014 йил 23 майдаги 08-сонли; 2015 йил 26 июндаги 11-сонли; 13 ноябрдаги 18-сонли; 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли; 27 декабрдаги 29-сонли, 2018 йил 19 майдаги 16-сонли; 2020 йил 19 декабрдаги 37-сонли, 2022 йил 14 майдаги 9-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) қарорининг 1, 3-бандларида, “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Аитов Бокижон Муминжоновичга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Олий Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, Б.Аитовнинг шахсини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги ҳақидаги баёнотини ҳамда ушбу ҳақда судга тақдим қилган ёзма равишдаги аризасини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Жиноят кодексининг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлгани ҳолда содир этганини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси (қопланмаган зарари) борлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, Б.Аитовнинг шахсини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий хулосага келса-да, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, Б.Аитовни шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар яъни, жабрланувчига тўлиқ, фуқаровий даъвогарга эса тўлиқ қопланганлиги ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга суд, судланувчи Аитов Бокижон Муминжоновичга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибини белгилашга



тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси 7-қисми “а” бандида, “ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда ўташ тайинланади” - деб кўрсатилган бўлиб, яъни, Аитов Бокижон Муминжонович томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришлигини инобатга олиб, унга нисбатан ушбу ҳукм билан тайинландиган озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колониясида ўтатиришликни белгилашни лозим деб топади.

Бундан ташқари, суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов жараёнида терговчининг 2022 йил 31 май кунидаги қарорига кўра, яъни нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорида, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона велосипед қонуний эгаси Шаропов Кахорали Марибжоновичга топширилганини инобатга олиб, муҳокамадан чиқаришни лозим топади.

Шунингдек, суд, жиноят оқибатида жабрланувчи Шаропов Кахорали Марибжоновичга етказилган моддий зарар қопланганлиги инобатга олиб, Аитов Бокижон Муминжоновичдан иш бўйича фуқаровий даъвогар етказилган моддий зарарнинг қопланмай қолган қисми, яъни 70.000 сўм фуқаровий даъвогар Болтабоев Абдумумин Мўйдинович фойдасига ундиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Аитов Бокижон Муминжонович /Aitov Bokijon Muminjonovich/ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Аитов Бокижон Муминжоновичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, **1 (бир) йил 6 (олти) ой** муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 22 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Аитов Бокижон Муминжоновичга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси, “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, суд залидан қамокқа олинсин ва сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш департаментига қарашли 10-сонли тергов хибсхонасига жойлаштирилсин.

Аитов Бокижон Муминжоновичдан иш бўйича етказилган моддий зарар 70.000 сўм фуқаровий даъвогар Болтабоев Абдумумин Мўйдинович фойдасига ундирилсин.



Жабрланувчи Шаропов Кахорали Марибжоновичга етказилган моддий зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кунидан эътиборан, маҳкум, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар томонидан эса хукм нусхаси (хукмнинг кўчирмаси)ни олган кунидан бошлаб, йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция шикояти ёки апелляция протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

А.Улмасов

